

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACASI VAZIRLAR MAҲKAMASINING
ҚАРОРИ**478 Экспорт операцияларини «бир дарча» тамойили бўйича амалга ошириш механизмини босқичма-босқич жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2011 йил 25 августдаги ПҚ-1604-сон қарорини бажариш юзасидан, шунингдек экспорт операцияларини амалга ошириш механизмини янада соддалаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. 2011 йил 1 октябрдан бошлаб «бир дарча» тамойили бўйича экспортга етказиб беришлар билан боғлиқ тартиботларни амалга ошириш механизмининг босқичма-босқич жорий этилиши тажриба тариқасида рўёбга чиқарилиши маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қўйидагилар:

«Бир дарча» тамойили бўйича экспортга етказиб беришлар билан боғлиқ тартиботларни амалга ошириш механизми тўғрисидаги Вақтинчалик низом 1-иловага мувофиқ;

«Бир дарча» тамойили бўйича экспортга етказиб беришлар билан боғлиқ тартиботларни амалга ошириш механизми жорий этиладиган Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг ташқи иқтисодий фаолият божхона постлари рўйхати 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси бир вақтнинг ўзида давлат божхона хизматлари органларида контрактларни ҳисобга қўйиш, товарларнинг келиб чиқиши тўғрисидаги сертификатни, ветеринария, фитосанитария, гигиена сертификатларини бериш ва божхонада расмийлаштириш билан бирга, «бир дарча» тамойили бўйича экспортга етказиб беришлар билан боғлиқ тартиботларни амалга ошириш механизмини жорий қилиш учун масъул орган этиб белгилансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Марказий банки тегишли сертификатларни бериш учун ва «бир дарча» тамойили бўйича экспортга етказиб беришлар билан боғлиқ тартиботларни амалга ошириш механизми жорий этиладиган ташқи иқтисодий фаолият божхона постларида тўловларни қабул қилиш бўйича ваколатли банклар бўлимлари учун камида икки нафар ваколатли вакилнинг фаолият юритишини таъминласинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Ўзстандарт» агентлиги, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Давлат божхона қўмитаси билан биргаликда 2012 йил 1 апрелгача барча хизматларнинг ягона электрон маълумотлар базаси шакллантирилишини назарда тутган ҳолда онлайн режимида экспорт операция-

ларни божхонада расмийлаштиришнинг бирхиллаштирилган тизимини жорий этиш бўйича зарур тайёргарлик чора-тадбирларини кўрсинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси «бир дарча» тамойили бўйича экспорт операцияларини расмийлаштириш механизминини жорий этиш натижалари тўғрисидаги тахлилий ахборотни ҳамда тегишли қонун ҳужжатлари нормаларини янада такомиллаштириш бўйича таклифларни 2012 йил 1 мартгача бўлган муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг барча ташқи иқтисодий фаолият божхона постларига 2012 йил 1 апрелдан бошлаб онлайн режимида электрон шаклдаги ҳужжатларни тақдим этган ҳолда «бир дарча» тамойили бўйича экспортга етказиб беришлар билан боғлиқ тартиботларни амалга ошириш механизми жорий этилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсинлар.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2011 йил 17 ноябрь,
305-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2011 йил 17 ноябрдаги 305-сон қарорига
1-ИЛОВА

**«Бир дарча» тамойили бўйича экспортга етказиб
беришлар билан боғлиқ тартиботларни амалга
ошириш механизми тўғрисида
ВАҚТИНЧАЛИК НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Вақтинчалик низом бир вақтнинг ўзида давлат божхона хизмати органларида контрактларни ҳисобга қўйиш, товарларнинг келиб чиқиши тўғрисидаги сертификатни, ветеринария, фитосанитария, гигиена сертификатларини бериш ва божхонада расмийлаштириш билан бирга, «бир дарча»

ча» тамойили бўйича экспортга етказиб беришлар билан боғлиқ тартиботларни амалга ошириш механизмини белгилайди.

Экспорт товарларини сертификациялаш ва божхонада расмийлаштириш тартиботларидан ўтиш схемаси ушбу Вақтинчалик низомга 1-иловада келтирилган.

Ушбу Вақтинчалик низом қонун ҳужжатларида белгиланадиган товарларнинг алоҳида тоифаларини экспорт қилиш учун қўшимча рухсатнома ҳужжатлари (лицензия, рухсатнома) олиш билан боғлиқ бўлган экспорт тартиботларини амалга ошириш механизмига жорий этилмайди.

2. Мазкур Вақтинчалик низомда қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

«бир дарча» тамойили — давлат божхона хизмати органларида контрактларни ҳисобга қўйиш, товарларнинг келиб чиқиши тўғрисидаги сертификатни, ветеринария, фитосанитария, гигиена сертификатларини бериш ва экспорт қилинадиган товарларни божхонада расмийлаштириш (кейинги ўринларда сертификациялаш ва божхона расмийлаштируви деб юритилади) учун экспортга етказиб беришлар билан боғлиқ тартиботларни амалга оширишнинг соддалаштирилган механизми, бунда аризачи аризининг ягона шаклини тўлдиради ва уни зарур ҳужжатларни илова қилган ҳолда «бир дарча» тамойили бўйича экспорт тартиботларини расмийлаштириш жорий этиладиган ташқи иқтисодий фаолият божхона постларида (кейинги ўринларда ТИФ божхона постлари деб юритилади) фаолият юритувчи манфаатдор вазирликлар ва идораларнинг ваколатли вакилларига тақдим этади;

аризачи — экспорт қилувчи ва/ёки декларант ва/ёки божхонада расмийлаштириш мутахассиси;

аризанинг ягона шакли — сертификациялаш ва божхонада расмийлаштириш учун ҳужжатларни беришда аризачи томонидан тўлдириладиган шакл.

II. Сертификациялаш ва божхонада расмийлаштириш тартиби

3. Аризачи экспорт қилинадиган товарларни сертификациялаш ва божхонада расмийлаштириш учун ушбу Вақтинчалик низомга 2-иловага мувофиқ ягона шакл бўйича аризани тўлдиради.

4. ТИФ божхона постларида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Ўзбекэкспертиза» ОАЖ (кейинги ўринларда ваколатли сертификация органлари деб аталади) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг вакиллари доимий равишда фаолият юритадилар.

5. «Бир дарча» тамойили бўйича сертификациялаш ва божхонада расмийлаштириш икки босқичда амалга оширилади.

6. Биринчи босқичда аризачи оладиган сертификатнинг турига қараб ТИФ божхона постларидаги ваколатли сертификация органларига қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда ягона шаклдаги аризани тақдим этади:

а) товарларнинг келиб чиқиши тўғрисидаги сертификатни олиш учун (Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳузуридаги «Ўзэкспертиза» ОАЖ):

экспорт контракти нусхаси;

юкланадиган товарга счёт-фактура нусхаси;

экспорт қилинадиган товарни тайёрловчи, ишлаб чиқаришда фойдаланилган хом ашёнинг келиб чиқиши ва компонентлари (хом ашё етказиб беришга шартномалар, счёт-фактуралар) тўғрисидаги маълумотларни тасдиқлайдиган ҳужжатларнинг нусхалари;

технологик жараёнларни тартибга солувчи ҳужжатларнинг нусхалари.

Товарлар келиб чиққан мамлакатни, ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланилган импорт қилинган компонентлар, хом ашё-материаллар, бутловчи ва эҳтиёт қисмларни аниқлаш бўйича мурожаат қилинган тақдирда — юқорида кўрсатилган ҳужжатларга қўшимча равишда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

Юкнинг божхона декларацияси нусхаси;

материаллар ва қўшилган қийматнинг фоиздаги улушини аниқлаш учун товарнинг таннарни ҳисоб-китоби;

товар позициясининг товарни қайта ишлаш натижасида юзага келган биринчи тўртта белгисидан бири даражасида ТИФ ТН бўйича ўзгаришини асослаб бериш;

сертификатни расмийлаштириш хизматлари учун тўловлар тўғрисидаги тўлов ҳужжати;

б) ветеринария сертификатини олиш учун (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Давлат ветеринария бош бошқармаси):

экспорт қилишга Давлат ветеринария бош бошқармасининг рухсатномаси;

назоратдаги юкни транзит қилишга ветеринария рухсатномаси;

ветеринария гувоҳномаси;

сертификатни расмийлаштириш хизматлари учун тўловлар тўғрисидаги тўлов ҳужжати;

в) фитосанитария сертификатини олиш учун (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини давлат бош инспекцияси):

импорт қилувчи мамлакатнинг (алоҳида мамлакатлар учун ҳукуматлараро битимга асосан) импорт қилишга карантин рухсатномаси;

транзитга рухсатнома (алоҳида мамлакатлар учун);

фитосанитария карантин сертификати;

зарарсизлантириш тўғрисидаги далолатнома;

сертификатни расмийлаштириш хизматлари учун тўловлар тўғрисидаги тўлов ҳужжати;

г) гигиена сертификатини олиш учун (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази):

Давлатлараро стандарт (ГОСТ), Ўзбекистон Республикаси Давлат стан-

дарти (O'zDSt)га мос бўлган товарни сертификациялашни тартибга солидиган норматив ҳужжат нусхаси;

сертификатни расмийлаштириш хизматлари учун тўловлар тўғрисидаги тўлов ҳужжати.

7. Ваколатли сертификация органлари вакиллари:

тақдим этилган ҳужжатларнинг тўлиқлиги ва уларда учрайдиган номувофиқликни аниқлаш учун уларни дарҳол кўриб чиқадилар;

тақдим этилган ҳужжатлар белгиланган талабларга мос келганда уларни қабул қиладилар;

камчиликлар аниқланганда аризага ягона шаклдаги аризада камчиликларни кўрсатган ҳолда камчиликларни бартараф этиш учун ҳужжатларни қайтардилар.

8. Ваколатли сертификация органлари вакиллари ариза қабул қилинган кун мобайнида, экспорт учун мўлжалланган товарлардан белгиланган тартибда намуналар оладилар ва товарлар намуналарини ҳамда ҳужжатларни тегишли синов лабораторияларига ва/ёки ваколатли органларга юбордилар.

9. Экспортга мўлжалланган товарлар учун лаборатория синовлари, экспортгадан ўтказиш ва тегишли сертификатлар бериш муддати, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан ташқари, кўпи билан 3 иш кунини ташкил этади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотини экспорт қилишда лаборатория синовларини ўтказиш ва тегишли сертификатлар бериш муддати кўпи билан 5 иш кунини ташкил этади.

10. Лаборатория синовлари яқунлари бўйича ижобий натижа олинган тақдирда ваколатли сертификация органлари вакиллари бир иш кунини мобайнида аризага бевосита ТИФ божхона постида тегишли сертификатларни берадилар.

11. Иккинчи босқичда аризачи экспорт учун мўлжалланган товарларнинг экспорт контрактини ҳисобга қўйиш ва божхонада расмийлаштириш учун давлат божхона хизмати органлари ходимига қўйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

экспорт контракти;

юкнинг божхона декларацияси;

ваколатли банк томонидан берилган ҳисоб-китоблар тўғрисида маълумотнома;

транспорт ва товарларга илова ҳужжатлари (контейнер ва вагоннинг тартиб рақами, темир йўл юк ҳужжатлари ва бошқалар);

товарларнинг келиб чиқиши тўғрисидаги сертификат, ветеринария, фитосанитария ва гигиена сертификатлари (зарур ҳолларда);

божхона тўловлари тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжати (тўлов топшириқномаси, квитанция, таққослаш далолатномаси ва бошқалар).

12. Давлат божхона хизмати органи ходими:

тақдим этилган ҳужжатларнинг тўлиқлиги ва уларда учрайдиган номувофиқликни аниқлаш учун уларни дарҳол кўриб чиқади;

тақдим этилган ҳужжатлар белгиланган талабларга мос келганда уларни қабул қилади;

камчиликлар аниқланганда аризага ягона шаклдаги аризада камчиликларни кўрсатган ҳолда камчиликларни бартараф этиш учун ҳужжатларни қайтаради.

13. Давлат божхона хизмати органи ходими товарларни экспортга етказиб берадиган микрофирмалар ва кичик корхоналарнинг экспорт контрактларини бир кун мобайнида ҳисобга қўяди, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 10 октябрдаги ПФ-1871-сон Фармони билан тасдиқланган хом ашё товарлар рўйхати бундан мустасно.

Ташқи иқтисодий фаолият бошқа субъектларининг экспорт контрактларини ҳисобга қўйиш Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасида ва ҳудудий божхона бошқармаларида, белгиланган тартибда амалга оширилади.

14. Давлат божхона хизмати органи ходими экспорт қилинадиган товарларнинг юклаб жўнатишга тайёрлигига қараб, уларни ва транспорт воситаларини божхона текширувидан ўтказиши, шунингдек экспорт қилинадиган товарларни ва транспорт воситаларининг божхона расмийлаштирувини бир иш куни мобайнида амалга оширади.

15. Ваколатли сертификация органлари ва давлат божхона хизмати органлари томонидан мазкур Вақтинчалик низомнинг 6 ва 11-бандларида кўрсатилмаган қўшимча ҳужжатларни талаб қилиш тақиқланади.

16. Ҳужжатларни қайта кўриб чиқишда ваколатли сертификация органлари ва давлат божхона хизмати органлари томонидан ягона шаклдаги аризада илгари баён қилинмаган янги эътироз билан даъво билдирилишига йўл қўйилмайди.

III. Яқунловчи қоидалар

17. Аризачидан сертификация ва божхонада расмийлаштириш ҳужжатлари ваколатли сертификация органлари ҳамда давлат божхона хизмати органлари томонидан бутун иш куни (соат 9:00 — 18:00) давомида қабул қилинади.

18. Мазкур Вақтинчалик низомнинг бузилишида айбдор шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

«Бир дарча» тамойили бўйича экспортга
этказиб беришлар билан боғлиқ тартиботлар-
ни амалга ошириш механизми тўғрисидаги
Вақтинчалик низомга
1-ИЛОВА

Экспорт товарларини сертификациялаш ва божхонада расмийлаштириш тартиботларидан ўтиш СХЕМАСИ

Босқич-лар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш мuddатлари
1-босқич	Аризачи	Оладиган сертификат турига қараб ТИФ божхона постларида ваколатли сертификация органига белгиланган рўйхатга мувофиқ ҳужжатларни илова қилган ҳолда ягона шаклдаги аризани тақдим этади.	Аризачининг хоҳишига кўра
	ТИФ божхона постларидаги ваколатли сертификация органлари	Тақдим этилган ҳужжатларнинг тўлиқлиги ва уларда учрайдиган номувофиқликни аниқлаш учун кўриб чиқадилар; тақдим этилган ҳужжатлар белгиланган талабларга мос келганда уларни қабул қиладилар; камчиликлар аниқланганда аризачига ягона шаклдаги аризада камчиликларни кўрсатган ҳолда камчиликларни бартараф этиш учун ҳужжатларни қайтарадилар.	Дарҳол
		Аризачидан қабул қилинган ҳужжатлар бўйича экспорт учун мўлжалланган товарлардан белгиланган тартибда намуналар оладилар ва товарлар намуналарини ҳамда ҳужжатларни тегишли синов лабораторияларига ва/ёки ваколатли органларга юборадилар.	Кун мобайнида
		Тегишли сертификатларни бериш учун экспорт қилинадиган товарларнинг лаборатория синовларидан ва экспертгадан ўтказилишини таъминлайдилар.	3 — 5 иш кунини
		Лаборатория синовлари яқунлари бўйича ижобий натижа олинган тақдирда ваколатли сертификация органлари вакиллари бир иш кунини мобайнида аризачига бевосита ТИФ божхона постида тегишли сертификатларни берадилар.	1 иш кунини мобайнида
2-босқич	Аризачи	Божхонада расмийлаштириш учун зарур ҳужжатларни тақдим этади.	Аризачининг хоҳишига кўра
	Давлат божхона хизмати органи	Тақдим этилган ҳужжатларнинг тўлиқлиги ва уларда учрайдиган номувофиқликни аниқлаш учун кўриб чиқадилар; тақдим этилган ҳужжатлар белгиланган талабларга мос келганда уларни қабул қиладилар; камчиликлар аниқланганда аризачига ягона шаклдаги аризада камчиликларни кўрсатган ҳолда камчиликларни бартараф этиш учун ҳужжатларни қайтарадилар.	Дарҳол
		Экспорт контрактини ҳисобга қўйишни амалга оширади.	Кун мобайнида
		Экспорт қилинадиган товарларни ва транспорт воситаларини текширишдан ўтказилади.	Юклаб-жўнатишга тайёрлигига кўра
		Экспорт қилинадиган товарларни ва транспорт воситаларини божхонада расмийлаштиришни амалга оширади.	1 иш кунини мобайнида

«Бир дарча» тамойили бўйича экспортга
етказиб беришлар билан боғлиқ тартиботлар-
ни амалга ошириш механизми тўғрисидаги
Вақтинчалик низомга
2-ИЛОВА

Ягона шаклдаги ариза

1. _____

(экспорт қилувчининг номи: юридик шахснинг номи (жисмоний шахслар учун — Ф.И.О.))

_____ (почта манзили, КТУТ коди)

_____ (солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР))

_____ (банк реквизитлари)

_____ (ариза билан шуғулланувчи ходимнинг Ф.И.О., лавозими ва телефони)

2. _____

(импорт қилувчининг номи: юридик шахснинг номи (жисмоний шахслар учун — Ф.И.О.))

_____ (почта манзили)

_____ (банк реквизитлари)

3. _____

(экспорт қилинаётган товарнинг умумий контракт қиймати)

4. _____

(транспорт воситаси тўғрисида маълумот, транспорт воситасининг тури ва тартиб рақами)

5. _____

(давлат чегараларини кесиб ўтиш пунктлари)

6. Жўнатиш станцияси: _____ Етиб келиш станцияси: _____

7. Олиш учун тақдим этилади:

товарнинг келиб чиқиши
тўғрисидаги сертификати

фитосанитария сертификати

ветеринария сертификати

гигиена сертификати

божхонада расмийлаштириш учун

8. Аризага: _____

(хужжатлар ва материаллар рўйхати)

_____ илова қилинади.

9. Аризачининг имзоси ва экспорт қилувчи ташкилотнинг (юридик шахслар учун) мухри.

10. Ваколатли органнинг қабул қилишни рад этиш тўғрисидаги қайди:

(асослаш)

(Ф.И.О., муҳр, имзо)

Вазирлар Маҳкамасининг
2011 йил 17 ноябрдаги 305-сон қарорига
2-ИЛОВА

**«Бир дарча» тамойили бўйича экспортга етказиб
беришлар билан боғлиқ тартиботларни амалга ошириш
механизми жорий этиладиган Ўзбекистон Республикаси
Давлат божхона қўмитасининг ташқи иқтисодий
фаолият божхона постлари
РЎЙХАТИ**

Божхона постлари номи	Пост коди	Давлат божхона қўмитасининг ҳудудий бошқармалари
«Нукус» ТИФ	35002	Давлат божхона қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси
«Андижон» ТИФ	03011	Давлат божхона қўмитасининг Андижон вилояти бошқармаси
«Бухоро-2» ТИФ	06006	Давлат божхона қўмитасининг Бухоро вилояти бошқармаси
«Жиззах» ТИФ	08004	Давлат божхона қўмитасининг Жиззах вилояти бошқармаси
«Қашқадарё» ТИФ	10001	Давлат божхона қўмитасининг Қашқадарё вилояти бошқармаси
«Тинчлик» ТИФ	12001	Давлат божхона қўмитасининг Навоий вилояти бошқармаси
«Наманган» ТИФ	14010	Давлат божхона қўмитасининг Наманган вилояти бошқармаси
«Самарқанд» ТИФ	18005	Давлат божхона қўмитасининг Самарқанд вилояти бошқармаси
«Гулистон» ТИФ	24009	Давлат божхона қўмитасининг Сирдарё вилояти бошқармаси
«Термиз» ТИФ	22005	Давлат божхона қўмитасининг Сурхондарё вилояти бошқармаси
«Чирчиқ» ТИФ	27014	Давлат божхона қўмитасининг Тошкент вилояти бошқармаси

Божхона постлари номи	Пост коди	Давлат божхона қўмитасининг ҳудудий бошқармалари
«Водий» ТИФ	30003	Давлат божхона қўмитасининг Фарғона вилояти бошқармаси
«Урганч» ТИФ	33007	Давлат божхона қўмитасининг Хоразм вилояти бошқармаси
«Тошкент-товар» ТИФ	26002	Давлат божхона қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси